


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент-2021



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4-сонли йиғилишида мақулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 385-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2.	Малака талабларинингасосий фойдаланувчилари	4
1.2.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
1.2.1.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари	4
1.2.2.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари	4
1.2.3.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари	5
1.2.4.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари	5
2.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	6
2.1.	Умумий компетенциялар	6
2.2.	Касбий компетенциялар	6
	Библиографик маълумотлар	7
	Келишув варағи	8

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши</i>	4
1.1.2.	Малака талабларинингасосий фойдаланувчилари	4
1.2.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи</i>	4
1.2.1.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	4
1.2.3.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i>	5
1.2.4.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i>	5
2.	<i>60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i>	6
2.1.	Умумий компетенциялар	6
2.2.	Касбий компетенциялар	6
	Библиографик маълумотлар	7
	Келишув варағи	8

1. 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сирки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимдабакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга қираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар

1.2. 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик - илм ва табиий фанлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, у Ер ҳақидаги билимлар билан алоқадор бўлган лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот, метеорологик ва иқлимий экспертиза, маъмурий бошқарув ва педагогик ишлар мажмуини қамраб олади.

1.2.2. 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- турли методлар бўйича ўтказиладиган тадқиқот ишларида қатнашиш ва натижаларни қайта ишлаш ва хулосалар чиқариш;

- об-ҳаво ва иқлимни шакллантирувчи элементлар, уларнинг ўзгаришлари, метеорологик ва иқлимий режимни ўрганиш ва тадқиқ қилиш;

- иқлимга табиий ва антропоген омиллар таъсирини баҳолаш, улардаги миқдор ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилиш;

– об-ҳаво ва иқлим ўзгариши ва тебранишларига таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар тўғрисидаги билимларни амалиётда қўллаш;

– метеорологик прогноз усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётда қўллаш.

- Фанлар Академияси ва тармоқ институтларининг тажриба-тадқиқот ва илмий-тадқиқот лабораторияларида изланишлар олиб бориш;
- давлат бошқаруви органларининг турли ҳудудий даражаларида мутахассис сифатида фаолият кўрсатиш;
- ўрта-махсус, касб-хунар таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлардан дарс бериши;
- таълим, вазирликларнинг ўқув-илмий бўлимларида фаолият юритиш.

1.2.3. 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш;
- ахборот-таҳлилий фаолият.
- илмий-тадқиқот фаолият;
- турли хизматлар кўрсатиш кабиларни ўз ичига олади.

1.2.4. 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолият бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабаларга мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулотда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув корхоналарини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплов, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

– бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқарув усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

– хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқарув тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

– тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этиш.

Турли хизматлар кўрсатиш:

- хавфли гидрометеорологик ҳодисалар (кучли шамол, кучли ёғинлар, сел тошқинлари, қор кўчкилари, баҳорги ва кузги қора совуқлар, дўллар, қурғоқчилик) билан боғлиқ табиий офатларни олдини олишга қаратилган ҳукумат тадбирларида иштирок этиш;

- метеорологик ҳодисалар иқлим ўзгариши хавфини бошқариш ва камайтириш мақсадида тузилган ишчи гуруҳларда иштирок этиш;

- метеорология ва иқлимшунослик йўналишига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

- йўналишга мос лойиҳа мазуларни бўйича турли хизматларни кўрсатиш

2. 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг кабий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

– хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушиниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти даражасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

– ахборот технологияларни касбий фаолиятига қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиш;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятни илмий асосда ташкил қила олиш;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

2.2. Касбий фаолият:

– меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

– ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

– метеорологик кузатув тармоқларида қўланиладиган асбоб ва ускуналарнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш усуллари билиш;

– метеорологик кузатишлар, ўлчашлар, статистик қайта ишлаш ва метеорологик ахборотларни замонавий компьютер воситаларини қўллаш асосида таҳлил қилиш усуллари таянч назарий билимларини эгаллаш;

- касбий вазибаларни ҳал этиш учун зарур бўлган гидрометеорологик ахборотларни олиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг асосий усуллари, услублари ва воситаларини билиш;
- об-ҳаво элементларини кузатишни амалга ошириш усулларини билиш;
- метеорологик кузатиш тармоқларида бажариладиган кузатишлар ва ўлчашлар натижаларини бирламчи қайта ишлашни амалга оширишни билиш;
- метеорологик кузатишлар ва ўлчашлар натижалари сифатини таҳлил қилишни билиш;
- физик, синоптик ва мезомасштаб метеорология бўйича билимларни эгаллаш;
- иқтисодиёт тармоқлари учун ихтисослашган (авиация, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва бошқа) метеорологик хизмат кўрсатиш усулларини билиш;
- иқлимшунослик ва иқлим ўзгариши бўйича таянч билимларга эга бўлиш;
- метеорологик шароитлар билан боғлиқ бўлган хавфли гидрометеорологик ҳодисалар (қучли шамоллар, жадал ёгинлар, қора совуқ, метеорологик қурғоқчилик ва бошқалар) ҳақида билимларга эга бўлиши;
- Ўрта Осиёнинг об-ҳаво ва иқлимий шароитлари ҳақидаги билимларга эга бўлиши.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежменти, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, атмосфера ҳавоси, геофизика, атмосфера физикаси, иқлимшунослик, метеорологик ахборот ўлчов тизимлари, динамик метеорология, синоптик метеорология, агрометеорология, авиацион метеорология, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар, синоптик жараёнлар, метеорологик кузатишлар.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Миллий университети



Ректор И.У. Маджидов

2021 йил « 10 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. М. Эсонов

2021 йил « 25 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Гидрометеорология хизмати маркази



Бош директор Ш.Х. Хабибуллаев

2021 йил « 22 » 08

М.Ў.

Қорақалпоқ давлат
университети

Ректор А.М. Реймов

2021 йил « 20 » 08



М.Ў.

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик малака талаблари ва ўқув режасини
ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар
истеъмолчилари ўртасида**

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ ___ ” _____ 2021 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази бош директори ўринбосари И.А. Каримов, Қорақалпоқ давлат университети ректори А.М. Реймов, Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. И.У. Маджидов билан биргаликда ЎЗМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик бакалавриат таълим йўналиши.

Малака талаблари ҳамда ўқув режани ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон, 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон, 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси
Гидрометеорология хизмати маркази
бош директори ўринбосари**



И.А. Каримов

**Қорақалпоқ давлат университети
ректору, профессор**



А.М. Реймов

**Ўзбекистон Миллий университети
ректору, профессор**



И.У. Маджидов

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига
ишлаб чиқилган 60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича
олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий
билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган
малака талаблари ва ўқув режасига
ТА Қ Р И З**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига 60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002 - сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон ва 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сонли қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар ҳамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил қилишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилла-рига амал қилинган. Малака талабларидаги блоklar бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустахкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасаларининг талаб ва тақлифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради ҳамда уни тасдиқлашни тақлиф қиламан.

**Гидрометеорология илмий-таълим институти
Иқлим ўзгариши бўйи мудири
география фанлари доктори**



Б.М. Холматжанов

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида
ишлаб чиқилган 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши
бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий
билимлар мазмунига қўйиладиган янгиланган
малака талаблари ва ўқув режасига
ТА Қ Р И З**

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУда 60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июндаги “2021/2022 Ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-5157-сон Қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режасида таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкмаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифатига қўйиладиган талаблар тўғри кўрсатилган. Таълим йўналишида ўқитиладиган барча блок фанлари тўғри танланган. Таълим олувчиларда хориж тажрибаси асосида чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда илғор хорижий ОТМ ларининг замонавий услуб ва технологияларига, ўқув машғулотларининг шакллари ва мустақил билим олишга кенг ўрин берилиши диққатга сазовордир. Малака талаблари ва ўқув режа халқаро стандартларга мос ҳолда тузилган. Фанлар бўйича соатларни тақсимлашда белгиланган вақт меъёрларига амал қилинган. Фанларни блоклар ва семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 60520200 - Метеорология ва иқлимшунослик таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси хориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ҳолда сифатли тузилган бўлиб, ўқув жараёнининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади ҳамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

**Наманган давлат университети
Экология кафедраси профессори, г.ф.д.**



Б.А. Камалов

**60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик бакалавриат таълим йўналиши бўйича
таълим дастурининг тузилиши**

Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Мажбурий фанлар	5160
1.01	OMTB110 Олий математика	300
1.02	UYTB104 Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.03	FALB204 Фалсафа	120
1.04	URTB104 Ўзбек (рус) тили	120
1.05	XJTB106 Хорижий тил	180
1.06	UTSB403 Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.07	JTSB102 Жисмоний тарбия ва спорт	60
1.08	RATB206 Рақамли ва ахборот технологиялар	180
1.09	MIKB112 Метеорология ва иқлимшуносликка кириш	360
1.10	UFAB110 Умумий физика	300
1.11	GFAB110 Геофизика асослари	300
1.12	MATB207 Метеорологияда ахборот ўлчов тизимлари	360
1.13	ATMB306 Атмосфера физикаси	360
1.14	SIMB212 Синоптик метеорология	300
1.15	DIMAT212 Динамик метеорология	240
1.16	MDSB204 Метеорологияда дастурлаш тиллари	180
1.17	OSJB304 Ўрта Осий синоптик жараёнлари	180
1.18	MZUB306 Масофавий зондлаш усуллари	180
1.19	IQLB306 Иқлимшунослик	180
1.20	MENB308 Метеорологик ҳисоблашлар	180
1.21	MEPB306 Метеорологик прогнозлар	240
1.22	AIQB304 Амалий иқлимшунослик	150
1.23	AVMB306 Авиацион метеорология	180
1.24	AGMB411 Агрометеорология	300
2.00	Танлов фанлар	960
	Жами	6120
	Малакавий амалиёт	630
	Яқуний давлат аттестацияси	450
	Жами	1080
	Ҳаммаси	7200

Ўқув ишлари бўйича проректор

Ш. Тошматов

**60530200 - Метеорология ва иқлимшунослик бакалаврият таълим йўналиши бўйича
малака талабининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака
талаблари билан қиёсий таққослаш**

Ўзбекистон Республикаси	Муддати	Россия	Муддат и	АҚШ	Муддати
Метеорология ва иқлимшуносликка кириш	1,2 семестр	Введение в гидрометеорологию	1 семестр	Introduction to Meteorology	1 семестр
Умумий физика	1,2 семестр	Физика	1 семестр	General Physics	1 семестр
Геофизика асослари	1,2 семестр	Геофизика	2 семестр		
Метеорологияда ахборот ўлчов тизимлари	3,4 семестр	Методы и средства гидрометеорологических измерений	3 семестр	Weather Observation and Analysis	3 семестр
Атмосфера физикаси	3,4 семестр	Физика атмосферы	3,4 семестр	Atmospheric Physics	3,4 семестр
Синоптик метеорология	3,4 семестр	Синоптикческая метеорология	3 семестр	Synoptic meteorology	7 семестр
Динамик метеорология	3,4 семестр	Динамикческая метеорология	4 семестр	Dynamic meteorology	6 семестр
Метеорологияда дастурлаш тиллари	4 семестр	Программирование в метеорологии	4 семестр	Computer Methods for Meteorology	4 семестр
Ўрта Осий синоптик жараёнлари	5 семестр				
Масофавий зондлаш усуллари	5 семестр	Методы зондирования окружающей среды	6 семестр	Remote Sensing of Oceans/Atmosphere	5 семестр
Иқлимшунослик	6 семестр	Климатология	7 семестр	Climate Dynamics	7 семестр
Метеорологик ҳисоблашлар	5 семестр			Meteorological Analysis	3 семестр
Метеорологик прогнозлар	5,6 семестр	Метеорологические прогнозы	3 семестр	Weather Forecasting	6 семестр
Амалий иқлимшунослик	6 семестр	Прикладная климатология	5 семестр		
Авиацион метеорология	6,7 семестр	Авиационная метеорология	6,7 семестр		
Агрометеорология	6,7 семестр	Агрометеорология	6 семестр		